



Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аввал сотилган товарлар (хизматлар) бўйича чет эл валютасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкониятлари

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аввал сотилган товарлар (хизматлар) бўйича хорижий валютада ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш мумкинлиги тўғрисида келиб тушаётган мурожаатларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидагиларни маълум қилади:

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5177-сонли Фармонида кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар (хизматлар) учун хорижий валютада тўловларни амалга ошириш тақиқланган, халқаро тажрибага мувофиқ

халқаро тўлов карталари орқали амалга ошириладиган тўловлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 4-моддасига кўра, фуқаролик қонун ҳужжатлари орқали қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин вужудга келган муносабатларга нисбатан қўлланилади.

(Давоми 2-бетда).

Пластик карточкалар бўйича тарифлар режаси ўзгарди

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон банклари Ассоциацияси банклараро чакана тўлов тизимида мижозларга хизмат кўрсатишда «сўм» пластик карточкалари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишда банк ва нобанк кредит таъминотлари учун амалдаги тавсиявий тарифлар режасига айрим ўзгариш ва қўшимчалар киритди.



Ушбу ўзгариш ва қўшимчалар мамлакатимиз Президентининг «Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожланти-

риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони доирасида қабул қилинди.

(Давоми 3-бетда).

Валюта сиёсатини либераллаштириш йўлидаги ислохотлар

бу борадаги дастлабки натижалар кутилганидан ҳам яхшироқ



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳияти ва унинг ижроси доирасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган янги форматдаги матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари Тимур Ишметов, раис ўринбосари Ботир Захидов, Монетар сиёсат департаменти директори Илҳом Норкулов ва бошқа масъул ходимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда валюта сиёсатини либераллаштириш борасидаги ислохотларнинг тизимлилик асосида босқичма-босқич амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидлаб

ўтилди. Бу йўлда валюта соҳасини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий қилиш, юртимизда экспорт салоҳиятини оширишни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиши ва сотиши ҳамда ўз маблағини хоҳишига кўра эркин тасаруф этиши имконияти яратилди. Илғор бозор механизмларининг босқичма-босқич жорий этилишига асосланган ушбу ёндашув юртимизда валюта бозорини либераллаштириш учун зарур шароит яратилиши, юзага келиши мумкин бўлган хатарларнинг олди олинишига асос бўлади. Шу билан бирга, валюта тизимини ислоҳ қилиш иқтисодиётда нархларнинг ўзгаришини самарали назорат қилишни таъминлашга қаратилган пул-кредит сиёсатининг янги механизмларини йўлга қўйишга замин ҳозирлайди.

(Давоми 2-бетда).

Халқ банки: хонадонларга барака улашиб

Ўзбек халқи азалдан бағрикенглиги, меҳнатқашлиги билан ном қозongan. Айниқса, сўлим табиат бағрида, қишлоқларимизда истиқомат қиладиган юртдошларимиз чорвачилик, паррандачилик ва бошқа қўшлаб фаолият турлари билан доимий равишда шуғулланиб келишган. Биргина чорвачиликнинг ўзи аҳолининг сут, гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириши мумкин. Демак, бу соҳани янада ривожлантириш фойдадан холи эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли топшириқларига асосан, Халқ банки мамлакатимизда чорвачилик соҳасини ривожлантириш масалаларига масъул ҳисобланиб, жорий йилда бу соҳада бажарилиши лозим бўлган аниқ вазифалар белгилаб олинган.

Хусусан, жорий йилда қишлоқ хўжалигининг 9 та соҳасини янада ривожлантириш, айниқса, республикамизда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

ҳажмини янада кўпайтиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига ички истеъмол бозорларини арзон ва сифатли чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини яратиш борасида банк томонидан қатор ишлар амалга оширилди.

Охириги ўн йил мобайнида ҳукуватимиз томонидан соҳада наслдорликни ошириш борасида кўриладиган чора-тадбирлар натижасида чорвачиликка ихтисослашти-

рилган фермер хўжаликлари хориждан келтирилган наслдор қорамоллар билан таъминланмоқда. Шу боис Халқ банки томонидан биргина жорий йилнинг ўзида Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ҳамда «Наслхизмат» уюشمаси таркибидаги корхоналар иштирокида ҳар бир чорвачилик йўналишидаги хўжалик бўйича алоҳида хўжалик паспорти ишлаб чиқилиб, шакллантирилди.

(Давоми 5-бетда).

Валюта сиёсатини либераллаштириш йўлидаги ислохотлар

бу борадаги дастлабки натижалар кутилганидан ҳам яхшироқ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Матбуот анжуманини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари Тимур Ишметов олиб борар экан, валюта сиёсатини ислох қилишга Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишдаги биринчи зарурий қадам сифатида қаралиб, бу борадаги ислохотлар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганини қайд этиб ўтди.

Мамлакатимизда бозор механизмлари асосида фаолият кўрсатадиган валюта бозорини шакллантиришда барча банклар ўз мижозлари (юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорлар) эҳтиёжларини қондириш мақсадида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш учун валюта биржаси савдоларида эркин иштирок этиши, шунингдек, мижозларнинг чет эл валютасини сотиб олиш бўйича амалдаги тартиб ва техник регламентларга риоя этган ҳолда ўз валюта маблағларини ҳеч қандай чекловсиз тасарруф этишига олиб келди.

Тадбирда маълум қилинишича, юқоридаги Фармон эълон қилинганидан кейин ўтган бир ҳафта мобайнида валюта айирбошлаш бўйича кўрсаткичларда кутилганидан ҳам ижобий натижалар қайд этилди. Жумладан, тижорат банклари томонидан аҳолининг 200 млн. долларга яқин маблағи миллий валютаимизга алмаштириб берилган бўлса, маҳаллий экс-



портчи корхоналардан 100 млн. доллар атрофида маблағ қабул қилинган.

Бозор тамойиллари асосида валюта ресурслари оқимининг самарадорлигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, шунингдек, ташқи савдода валюта сиёсатининг рағбатлантирувчи родини ошириш мақсадида миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан айирбошлаш курси фақатгина валюта биржасининг банклараро электрон савдоларида валютага бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Бунда айирбошлаш курсини бозор механизмлари асосида шакллантириш мақсадида банклараро савдоларда Марказий банкнинг иштиро-

қи камайтиради. Алоҳида ҳолларда Марказий банк айирбошлаш курсининг ҳаддан ортиқ тебранишини бар-тарafd этиш учун хорижий валютани сотиш ёки сотиб олиш операцияларини амалга ошириши мумкин.

Айирбошлаш курсини эгилувчан ҳолда тартибга солиш республикага келадиган барча валюта ресурслари (экспорт тушуми, трансчегаравий пул ўтказмалари ва бошқалар) оқимининг расмий бозорга келиб тушиши орқали чет эл валютасига бўлган жами талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлаш ва олтин-валюта захиралари ҳажмларини аввалгидек юқори даражада сақлаб қолиш имконини беради.

– Валюта курси бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб ўзгариб туради, – дейди Т.Ишметов. – Аввалига

бошланғич курс 8100 сўм этиб белгиланган бўлса-да, кейинроқ таклифнинг кўпайиши ҳисобига унинг курси бироз пасайди. Бу нормал ҳолат бўлиб, валюта курси ўзгариши билан боғлиқ ҳолатлар дунёнинг бошқа давлатларида ҳам кузатилади. Курснинг келажакдаги эса прогноз қилиб бўлмайди. Чунки бу мураккаб жараён, бунга кўпгина ички ва ташқи омиллар таъсир этади. Ички омилларни кузатиб бориш ва бошқариш имконияти мавжуд, бироқ ташқи омиллар биргина давлатга боғлиқ эмас.

Айирбошлаш курси барқарорлигини таъминлашда пул-кредит кўрсаткичларининг ўзгариши ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини инobatта олган ҳолда, Марказий банк монетар инструментлардан фаол ва кенг равишда фойдаланиш орқали миллий валютанинг барқарорлигини ва инфляциянинг паст даражада бўлишини таъминлаш, пул массаси ҳаддан зиёд ва асосланмаган ҳолда ўсишининг олдини олиш, давлат харажатлари ва даромадларининг мутаносиблигини таъминлашга қаратилган қатъий монетар сиёсат юритиш юзасидан зарурий чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Шунингдек, миллий валютага бўлган ишончни кучайтиришга қаратилган қатор нормалар белгиланди. Эндиликда республикамиз ҳудудида айрим товар ва хизматлар (автомобиллар, авиачипталар ва бошқалар)нинг ҳисоб-китоби

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аввал сотилган товарлар (хизматлар) бўйича чет эл валютасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкониятлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фуқаролик кодексининг юқорида қайд этилган меъёрига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли Фармонидаги мамлакат ҳудудида чет эл валютасидаги тўловларни амалга оширишни таққиловчи тартиб ушбу Фармон чиққунига қадар ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида мамлакат ҳудудида чет эл валютасида сотилган товарлар (хизматлар) бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга татбиқ этилмаслигини маълум қиламиз.

Шу муносабат билан, ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида мамлакат ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли Фармони чиққунига қадар сотилган товарлар (хизматлар) бўйича чет эл валютасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга йўл қўйилади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли Фармони чиққунига қадар сотилган ва мижозлар томонидан Фармон чиққанидан сўнг товарларни (хизматларни) қайтариш ҳолатлари юз берганда, мижозларнинг танловига кўра маблағларини чет эл валютасида ёки маблағларни қайтариш амалга оширилаётган кундаги Марказий банкнинг чет эл валютасининг сўмга нисбатан эълон қилинган курси бўйича миллий валютада олиш ҳуқуқига эга.

Тижорат банклари ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида юқоридаги Фармон чиққунига қадар чет эл валютасида сотилган товарлар (хизматлар) бўйича маблағларни ҳисоб рақамларга кириш қилиш ва пул маблағларини ўтказишни қўшимча бюрократик тўсиқларни яратмасдан амалга оширадilar.

Криптовалюталар ҳақида

Ҳозирги глобаллашув даврида интернет тармоғида ҳажми кундан кунга ортиб бораётган криптовалюталар билан боғлиқ операциялар халқаро ҳамжамият эътиборини кенг жалб этаётгани, шунингдек, мамлакатимизда криптовалюталар (биткоин, эфириум, литкоин ва бошқалар) бўйича қўлаб муурожаатлар ҳамда оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларни инobatта олиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қўйидагиларни билдиради.

Алоҳида қайд этиш жоизки, криптовалюталардан аноним операцияларни амалга оширишда кенг фойдаланилаётганлиги оқибатида ноқонуний пул айлантириш ва фирибгарликка кенг йўл очилиб, баъзи мамлакатларда хуфиёна иқтисодиётнинг янада кенгайишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, халқаро ва давлатлараро алмашинувда криптовалюталарни тартибга солиш ва назорат қилиш имкониятларининг чегараланганлиги, жиноятчи шахс ва гуруҳлар томонидан терроризмни молиялаштириш ва бошқа жинойий хатти-ҳаракатларни амалга оширишда криптовалюталардан қулай восита сифатида фойдаланилиши хавфининг юқорилиги сабабли, дунёнинг кўпгина давлатларида уларнинг муомаласи чеклаб қўйилган.

Айниқса, расман тўлов воситаси сифатида тан олинаши натижасида криптовалюталарнинг интернет тармоқларида марказлашмаган ҳолда виртуал эмиссияси ва муомалада бўлиши давлатлар марказий банкларининг пул муомаласини назорат қилиш ва эркин монетар сиёсат юритиш имкониятларини чегаралайди.

Бундан ташқари, пулнинг барча вазифа-

ларини бажара олмаслигини инobatта олган ҳолда, криптовалюталар анъанавий пул бирлиги бўлмасдан, реал резерв таъминотга эга бўлмаган ва қиймати тез ўзгарувчан ҳосилавий восита ҳисобланиши муносабати билан криптовалюталар қийматининг кескин пасайиб кетиши эҳтимоли мавжуд. Бу эса фуқаролар молиявий йўқотишларига олиб келиши мумкинлигини алоҳида қайд этиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида криптовалюталардан фойдаланган ҳолда тўлов ёки бошқа операцияларни амалга ошириш кўзда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мутахассислари ҳам бугунги электрон иқтисодиётда жаҳон молиявий хизматлари соҳасидаги янгиликлар, қўлланилаётган технологияларни кузатиб, мунтазам равишда таҳлил қилиб бормоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланиш босқичида криптовалюталарни жорий этиш ва улар воситасида операцияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмаслигини билдирган ҳолда, мазкур операцияларда аҳолининг иштирок этиши тавсия этилмайди.

ва тўловлар, давлат божларининг ундирилиши, товар ва хизматлар нархларининг белгиланиши фақат миллий валютада амалга оширилиши юзасидан қатъий тартиб ўрнатилди.

Муҳтарам Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан юридик ва жисмоний шахслар томонидан чет эл валютаси жорий халқаро валюта операцияларини амалга ошириш учун банкларда эркин сотиб олиниши ва сотилиши кафолатланди. Жисмоний шахслар тижорат банкларининг конверсион бўлимларида чет эл валютасини эркин сотиб олиши, сотиб олинган маблағларни халқаро тўлов карталарига ўтказиб, улардан хорижда ҳеч қандай чекловларсиз фойдаланиши мумкин.

Маълумот ўрнида таъкидлаш ўринлики, Марказий банк томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йилнинг I ярим иллик якуналарига қадар «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилиши режалаштирилган. Ушбу Қонуннинг янги таҳририда бугунги қунда валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар, бу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг тақдирлари асосида соҳада яратилиши лозим бўлган қулайлик ва шарт-шароитлар ўз ифодасини топади.

Матбуот анжуманида маълум қилинганидек, ҳозирча валютани со-

тиб олиш махсус картага маблағларни йўналтириш орқали амалга оширилаётган бўлса, келгусида унинг нақд кўринишига ҳам ўтилади. Шу билан бирга, тижорат банклари халқаро пластик картадаги маблағларни картадан картага ўтказиш хизматини ҳам жорий этиш арафасида турибди.

Аҳолидан нақд чет эл валютасини сотиб олиш тижорат банкларининг барча филиал ва мини-банклари томонидан чекланмаган миқдорда ва сарсонгарчиликсиз амалга оширилмоқда. Валюта айирбошлаш шохобчаларининг иш вақти 9.00 дан кеч соат 22.00 гача этиб белгиланган ҳолда, уларнинг узлуксиз ишлаши таъминланмоқда.

Муҳтасар айтганда, валюта бозорини либераллаштириш жараёнида давлат иқтисодий сиёсатининг мазкур Фармонда белгиланган устувор йўналишларининг тўлиқ ижроси таъминланиши барча ташқи савдо фаолияти қатнашчиларига тенг шароит яратган ҳолда, республикамиз миллий валютасининг мавқеини кучайтиришга, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Янги форматда очилган ва ошқоралик тамойили асосида ўтган матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган барча саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоблар қайтарилди. Марказий банк мутасаддилари томонидан бундай тадбирлар эндиликда мунтазам ўтказилиб турилиши маълум қилинди.

Бекзоид АКРОМОВ.

Пластик карточкалар бўйича тарифлар режаси ўзгарди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий этилган тариф режасига кўра, юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг тўлов терминаллари учун тўлайдиган ижара ҳақи илгари мос равишда 5 ва 2,5 еврогача эквивалентда ўрнатилган бўлса, эндиликда улар сўмга ўтказилиб, мос равишда 25 минг ва 15 минг сўм этиб белгиланди.

Илгари жисмоний шахсларга йўқотилган ёки шикастланган пластик карточкалари ўрнига янгиси берилганда 5 евро эквивалентига, юридик ва яқка тартибдаги тадбиркорлардан эса 10 евро эквивалентига олинади. Эндиликда айна хизматлар учун жисмоний шахслардан 10 минг сўмгача, юридик ва яқка тартибдаги тадбиркорлардан 15 минг сўмгача ҳақ олиш тавсия этилди.

Юридик шахс ва яқка тартибдаги тадбиркор учун корпоратив пластик картонка эмиссия қилишда тижорат банклари 5 еврогача эквивалентда олишарди. Янги тавсияларга мувофиқ, бу хизмат турига ўрнатилган тариф 15 минг сўм этиб белгиланди.

Жисмоний шахслар пластик карточкаларини (иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия ва оилавий карточкаларни) эмиссия қилиш, пластик карточкаларни блоктировкага (шу жумладан, «стоп-лист»га) қўйиш ва чиқариш каби хизматлар бепул кўрсатиладиган бўлди.

Тижорат банклари пластик карточкалардан фойдаланувчиларнинг уларни ишлатишдан манфаатдорлигини оширишга йўналтирилган турли хил бонус, дисконт ва рағбатлантирувчи хизматларни амалиётга татбиқ этиш борасидаги ишларни изчил давом эттиради.



Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш тартиби

Юридик шахслар ва юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш тартиби тўғрисида мурожаатлар келиб тушаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидагиларни маълум қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5177-сонли Фармонида кўра 2017 йил 5 сентябрдан:

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари жорий халқаро операциялар (товар, иш ва хизматлар импорти, фойда репатриацияси, кредитларни қайтариш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа савдо характериغا эга бўлмаган ўтказмалар) бўйича тўловларни амалга ошириш учун тижорат банкларида чет эл валютасини чекловсиз сотиб олишлари мумкин;

истеъмол товарлари импорти билан шуғулланувчи юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатувчи яқка тартибдаги тадбиркорларга чет эл валютасини жисмоний шахслар учун ўрнатилган тартибда, банклардаги ҳисобварақлар орқали сотиб олишга рухсат берилади (бунда сотиб олинган хорижий валюта мижознинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилди ва мижозга халқаро тўлов картаси тақдим этилади).

Шу муносабат билан, юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар чет эл валютасини чекланмаган миқдорда сотиб олишлари ва ўз ихтиёрларига кўра сотиб олинган маблағларни жорий халқаро операция-

лар (товар ва хизматлар импорти ва б.) бўйича тўловларни амалга ошириш учун йўналтиришлари мумкин.

Бунда сотиб олинаётган чет эл валютаси учун тўлов яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қуйидаги маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин:

– яқка тартибдаги тадбиркорнинг савдо тушуми;

– банка топширилган нақд маблағлар.

Яқка тартибдаги тадбиркорлар сотиб олинган валюта маблағларини қуйидаги йўллар билан чекловларсиз ишлатишлари мумкин:

– мамлакатдан ташқарида халқаро тўлов карталари орқали, шу жумладан, банкматлардан нақд хорижий валютани ечиб олиш йўли билан;

– тасдиқловчи ҳужжатлар асосида (инвойс ёки тўлов учун ҳисоб ёхуд импорт шартномаси ва б.) товарлар ва хизматлар импорти учун тўловни банк ўтказмаси орқали амалга ошириш.

Тадбиркорлик субъектлари диққатига!

Тижорат банкларининг рўйхати ва «ишонч телефонлари» рақамлари ушбу ахборотга илова қилинмоқда. Хорижий валютани сотиб олиш билан боғлиқ саволлар ёки муаммолар вужудга келган ҳолларда кўрсатилган рақамлар орқали тижорат банкларига ёки Марказий банкка мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг ишонч телефон рақамлари

Банк номи	Ишонч телефонлари
ЎзР ТИФ Миллий банки	148-00-10
«Асака» АТБ	120-13-38
АТ Халқ банки	120-17-72, 120-17-79
«Ўзсанотқурилишбанк» АТБ	120-44-62, 120-45-01
«Агробанк» АТБ	150-67-40
«Ипотека-банк» АТИБ	150-58-78, 150-58-79
«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ	150-76-84, 150-76-59
«Микрокредитбанк» АТБ	273-04-40, 273-82-56
«Ипак йўли» АИТБ	140-78-33
«Капиталбанк» АТБ	148-20-83
АТ «Алоқабанк»	200-65-65
ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ	150-91-22
«Туронбанк» АТБ	244-93-26, 202-01-01 (175, 25)
«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ	289-42-42
«Invest Finance Bank» АТБ	202-50-83, 202-50-60 (ички 50-73)
«КДБ Банк Ўзбекистон» АЖ	140-56-71
«Orent Finans» ХАТБ	140-66-91
«Трастбанк» ХАБ	244-25-73
ЧЭКИ «Савдогар» АТБ	256-66-01
«Давр банк» ХАТБ	207-40-40
«Универсалбанк» ХАТБ	0-373-542-05-77
«UTBANK» АЖ	273-03-06, 273-72-32
«Ravnaq-bank» ХАТБ	202-33-33
«Туркистон банк» ХАТБ	276-14-19
«HI-TECH BANK» ХАТБ	150-68-32
Эрон «Содерот» банкнинг Тошкент шаҳридаги шўба банки	140-16-52
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	200-00-44, 212-60-23, 212-60-82



«Туронбанк»: фармон ижроси юзасидан семинар

Бугун мамлакатимизда изчил ислохотлар олиб борилмоқда. Жумладан, нақд пул ва валюта муомаласини тартибга солиш ҳамда эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар давлатимиз иқтисодиётини янада мустахкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Айниқса, валюта сиёсатини либераллаштириш борасидаги чора-тадбирлар иқтисодиётимиздаги туб бурилишлардан бири бўлди десак, янглишмаган бўламиз. Чунки бу масала шу пайтгача кўплаб ишбилармон ва тадбиркорлардан ташқари хорижий инвесторлар учун ҳам бир қатор қийинчиликлар келтириб чиқараётган эди. Юртбошимизнинг жорий йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи галдаги чора-

лиги ўринбосари Рашид Мирзоҳидов сўзга чиқиб, йиғилганларга Фармоннинг мазмуни ҳақида маъруза қилар экан, унда товар (иш ва хизмат)лар экспортдан келиб тушган валюта тушумларини мажбурий сотиш бутунлай бекор қилинганлиги, энди бозор тамойиллари асосида миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан айирбошлаш курси фақат валюта биржасининг банклараро электрон савдоларда валютага бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан

конверсион бўлимлардан чел эл валютасини эркин сотиб олиш, уларни халқаро тўлов карталарига ўтказиб, улардан хорижда ҳеч қандай чекловларсиз фойдаланиш мумкин.

Анжуман давомида «Туронбанк» АТБ Пул муомаласи департаменти директори Равшанбек Умаров ҳамда Валюта амалиётлари махсус бошқармаси бошлиги Р.Ҳайдаров маъруза қилар экан, нақд пул масалалари, банк филиалларида ташкил этилган Конверсия амалиётлари бўлими ва валюта айирбошлаш шохобчалари фаолиятида амалга оширилаётган операциялар ҳамда ҳисоботлар тузилиши қондаларига риоя қилиниши хусусида алоҳида тўхталиб ўтишди.

Ўқув семинарида валюта амалиёти мутахассислари мамлакатда амалга оширилаётган валюта бозорини янада либераллаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳамда валюта амалиётларига киритилган барча ўзгаришлар, уларни қўллаш тамойиллари билан барчани таништиришди, йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Анжуман якунида валюта сиёсати ва ташқи савдо фаолияти соҳасини такомиллаштириш, иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш борасидаги муҳим вазифалар ҳам белгилаб олинди.

Бобур МУҲАММАДИЕВ.

Хизматлар лицензияланган.

Экспортчи корхоналаримиз билан молиявий ҳамкорлик



«Davr bank» хусусий акциядорлик-тижорат банки ва «Uzbek Leasing International A.O.» компанияси ҳамкорлигида мамлакатимизнинг экспортчи корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун таклиф этилаётган молиявий хизматлар, хусусан, Осиё тараққиёт банкнинг кредит линияси бўйича лойиҳаларни молиялаштириш имкониятлари билан яқиндан таништириш мақсадида семинар ўтказилди.

Маълумки, Осиё тараққиёт банки кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Ўзбекистонга 100 млн. АҚШ доллари миқдорида қарз маблағи тақдим этилишини маъқуллади. Қарз маблағини тақдим этиш тўртта молиявий институт орқали амалга оширилмоқда. «Davr bank» ХАТБ, «Hamkorbank» АТБ, «Инак йўли» АИТБ ва «Uzbek Leasing International A.O.» АЖ лизинг компанияси шулар жумласидандир.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, «Davr bank» ХАТБ ўз фаолиятида ҳам корпоратив мижозларга хизмат кўрсатишда, ҳам чакана сегментда юқори ўсиш суръатини намойиш этмоқда. Банк 16 йилдан буён молия хизматлари бозорига фаолият кўрсатади ва Тошкент шаҳри бўйлаб 7 та филиалга эга. Банкнинг молиявий ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этиш натижаларига кўра, «Standard & Poor's» халқаро рейтинг агентлиги охириги 5 йил давомида банк рейтингини «В-В» даражасида «Барқарор» истиқболи

билан баҳоламоқда. 2017 йилдан банк Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Ҳозирда банк бошқа халқаро молия институтларининг кредит линияларини ҳам жалб этиш юзасидан музокара-ларни олиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида «Davr bank» ХАТБ Осиё тараққиёт банки билан 7 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит битимини имзолади. Битим доирасида кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида мажбуриятлар қабул қилинди.

Айни пайтда Осиё тараққиёт банкнинг юқоридаги лойиҳасини амалга ошириш доирасида банк ўз маҳсулотини экспорт қилувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун инвестиция мақсадларида валюта кредитларини (технологик ускуналарни харид қилиш) ва айланма маблағларни тўлдириш (хомашё ва бутловчи қисмларни харид қилиш) учун молиявий хизматларини таклиф этмоқда.

Бекзод АКРОМОВ.



тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эса бу борадаги муаммоларни ўз-ўзидан ҳал этди.

Яқинда «Туронбанк» АТБ томонидан «Radisson Blu Hotel Tashkent» меҳмонхонасида мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мутахассислари, «Туронбанк» АТБ раҳбарияти ва масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Валютани тартибга солиш бошқармаси бош-

ҳолда белгиланиши механизми ҳам кенг ёритилгани ҳақида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, Фармонга мувофиқ, эндиликда миллий валютанинг чет эл валюталарига нисбатан юридик шахслар учун ҳам, жисмоний шахслар учун ҳам бир хил «эркин сузиш» курсида ҳеч қандай чекловларсиз амалга оширилиши белги-ланган бўлиб, резидентлар ва нerezидентлар учун тижорат банкларида ташкил этилган валюта айирбошлаш шохобчаларида нақд чет эл валюталарини топириш имконияти яратилди. Қолаверса,

БАНК ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ходимлари учун 2017 йил октябрь ойида олий ўқув юртлирида ўтказилиши режалаштирилган ўқув курслари ва семинарлар жадвали

№	Ўқув курсининг номи	Ўқув курслари ўтказилиши мuddати			
		9 октябрдан 14 октябргача	16 октябрдан 21 октябргача	23 октябрдан 25 октябргача	23 октябрдан 28 октябргача
1	Базель кўмитасининг банк назорати бўйича янги талаблари. Базель III	ТМИ			
2	Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши банкларда ички назоратни ташкил этишда қонунчиликдаги халқаро стандартлар ва миллий талаблар (3 кунлик курс)			ТМИ	
3	Тижорат банкларида активлар ва пассивлар бошқаруви			ТМИ	
4	Тижорат банклари бўлинма ва филиаллари бошқарувчилари учун шарҳлаш курси			БМА	
5	Тижорат банклари бўлинма ва филиаллари бош бухгалтерлари учун шарҳлаш курси: қонунчиликдаги ўзгаришлар, янгиликлар ва амалиёт				БМА
6	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: назарий асослар ва амалиёт	БМА			
7	Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз амалиётлар доирасини кенгайтириш ва сифатини ошириш				БМА
8	Тижорат банкларида солиқларни тартибга солиш ва оптималлаштириш				ХМИРМ-ў

Банк ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни молиялаштиришда

Пойтахтимизда собиқ «Тошўйинчоқ» заводининг бўш ётган бино ва иншоотлари базасида болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган 5 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлар бошлаб юборилди.

Мазкур кластерни яратиш ишлари Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 июлдаги «Тошкент шаҳрида замонавий болалар ўйинчоқлари ва анжомларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги 3115-сонли Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан амалга оширилмоқда.

Фабриканинг умумий майдони 2,8 гектар, лойиҳаларнинг умумий қиймати эса 23 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, у ерда йилга 7 млн. дона 700 турдаги елимли, юмшоқ, механик бошқарилувчи ва болаларни ақлий ривожлантирувчи турли ўйинчоқлар, шунингдек, болалар эҳтиёжига хос бўлган бошқа буюмлар ишлаб чиқарилади.

Лойиҳаларни ишга тушириш натижасида 950 га яқин иш ўрни яратилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 80 фоизи экспортга йўналтирилади.

Кластер объектларидан бири – қайта ташкил этилган «Tashkent Sanhe Toy» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ҳисобланади. Ушбу корхона томонидан 450 га яқин иш ўрни ташкил этилиб, йилга 200 турдаги 2,2 млн. дона юмшоқ ўйинчоқ етказиб берилиши режалаштирилган. Лойиҳа 2018 йилнинг март ойида тўлиқ ишга туширилиши мўлжалланган.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

Замонавий инновацион банк хизматлари

«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан Миллий матбуот марказида ташкил этилган анжуман ана шундай номланиб, унда аҳоли учун яратилган қўлай масофавий хизматлар ва бу борада келгусидаги режалар ҳусусида сўз борди.



Йил сайин ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)нинг мукамаллашиб бориши кишиларга ундан кенг кўлаmda фойдаланиш имконини бермоқда.

Мамлакатимиз банк тизимида катта миқдорда онлайн тўлов карталарининг муомалага чиқарилиши эса мобил ва интернет-банкнинг тизимларини тўлақонли ривожлантиришга шароит яратмоқда.

Бугунги кунда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБда бундай тўлов воситаларидан фойдаланувчи миқдорлар учун қатор дастурий хизматлар ишлаб чиқилган. Анжуманда ҳозирги кунгача ана шундай хизматлар жумласидан ўрин олган «Интернет-банкнинг», «Шахсий ка-



бинет», «UzPSB-mobile» кабиларга 33 мингдан зиёд миқоз улангани қайд этилди.

– *Интерактив хизматлар ҳам миқоз, ҳам банк учун бирдек манфаатлидир, – дейди «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Ахборот технологиялари бошқармаси бошлиғи Абдор Кенжаев. – Бундан фойдаланаётган миқозлар ўз маблағларини масофадан бошқариб, тезкор тасаруф этган ҳолда вақтларини тежаётган бўлса, банклар ортиқча қоғозбозлик ва меҳнат ресурсларидан чекинган ҳолда сезиларли даражада иқтисодий самарадорликка эришиб келмоқда.*

«Интернет-банкнинг» хизмати юридик миқозларга масофадан

туриб, онлайн тарзда ўзларига бириктирилган электрон рақамли имзо калити билан банкдаги ҳисоб рақамларини назорат қилиш, тўловларни ўтказиш ва керакли ҳисоботларни олиш имконини беради. Ушбу хизмат орқали кредитларни қайтариш, пластик картадаги қолдиқ ҳақида ахборотларни олиш, ташкилот ходимларига ойлик иш ҳақини пластик карталарига тушириб бериш, шунингдек, йўл ҳаракати қондаларини бузганда белгиланган жарималарни тўлаш, экспорт-импорт шартномалари ҳолатини кўриш имконини беради.

«UzPSB-mobile» дастури ҳам ўзига хос бўлиб, ҳозирда ундан 60 дан зиёд корхона фойдаланмоқда. У билан кредит қарздорликларини тўлаш ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларга тўловларни реал вақт (онлайн) режимида миқознинг пластик картаси орқали нақд пулсиз амалга ошириш мумкин.

Тадбирда яқин истиқболда банк томонидан замонавий инновацион банк хизматларининг янги турлари, жумладан, аҳолидан коммунал тўловларни йиғишга мўлжалланган «Мобиль кассирлар» хизмати йўлга қўйиб, пластик карталар асосида овердрафт кредитларини жорий қилиш устида иш олиб борилаётгани маълум қилинди.

Буларнинг барчаси аввало инсон манфаатларига қаратилгани, шу боис масофавий банк хизматларини доимий модернизациялаш «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг устувор вазифаларидан эканлиги таъкидланди.

Назира МАВЛОНОВА.

Халқ банки: хонадонларга барака улашиб

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Халқ банки томонидан чорвачилик йўналишидаги 1 414 та лойиҳага 162,3 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Қувонарлиси шундаки, амалга оширилган лойиҳалар ҳисобидан 7726 нафар янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, 14,4 млн. АҚШ доллари миқдордаги маблағ конвертация қилиниши эвазига хориждан олиб келинган 4 513 бош насадор қорамол хўжаликларга тарқатилди.

Самарқанд вилоятининг Пастдаргом туманидаги «Чортут» фермер хўжалиги томонидан Германия давлатидан 4,1 млрд. сўм кредит маблағлари ҳисобига 400 бош «Голштин» зотли насли қорамолни харид қилиш бўйича импорт шартномаси имзоланиб, 196 бош олиб келинди ва шу йилнинг сентябрь ойи якунига қадар яна қолган 204 бош насли қорамолни тўлиқ олиб келиш ишлари амалга оширилади.

Шунингдек, Сурхондарё вилояти Денов туманидаги «Рахмон-Тагақийот-омад» чорвачилик бўрдоқчилик корхонаси томонидан Германия ва Украина давлатларидан 1,3 млрд. сўм кредит маблағлари ҳисобига 190 бош «Голштин» ва «Симментал»



зотли насли қорамоллари ва Тошкент вилояти Юқоричириқ туманидаги «Анор Агро Чорва» фермер хўжалиги томонидан Германия давлатидан 1,4 млрд. сўм кредит ҳисобига сут йўналишидаги 165 бош «Голштин» зотли насли қорамоллари ҳамда Тошкент вилояти Янгийўл тумани «ABDUKARIM – NURJAN ZIYOSI» фермер хўжалиги томонидан Германиядан 1,5 млрд. сўм кредит маблағлари ҳисобига сут йўналишидаги 150 бош насли қорамоллар олиб келинди. Ҳозирда улар томонидан сут ва сут маҳсулотлари қайта ишланиб, аҳолига етказиб берилмоқда.

Шу билан бирга, Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги «Янги Аспр» фермер хўжалигида 18,0 млрд. сўмлик лойиҳа асосида хориждан насли қорамоллар, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаб

чиқариш ускуналарини сотиб олиш ҳамда замонавий чорва комплексини барпо этиш ишлари олиб борилаётган бўлса, Қашқадарё вилояти Косон туманидаги «Истиқлол» хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонаси 15,0 млрд. сўмлик лойиҳа асосида хориждан насли қорамоллар, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олиш ҳамда замонавий чорва комплексини барпо этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Банк томонидан чорвачиликнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган эчкичилик соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Франция, Германия, Россия ва Чехия давлатларидан жами 3476 бош эчки сотиб олиш учун 8,7 млрд. сўмлик 8 та импорт шартномалари тузилди.

Маълумотларга кўра, сут йўналишидаги 1261 бош насли эчкиларни, жун йўналишидаги 804 бош насли эчкиларни келтириш учун ишбилармонларга 1 млн. 290 минг АҚШ доллари конвертация қилиб берилди.

Айтиш жоизки, бутун дунё бўйича эчкичиликнинг гўшт, сут ва тивит йўналишлари мавжуд бўлиб, бу соҳа билан шуғулланиш алоҳида муҳит ва тайёргарлик, ортиқча харажатларни талаб қилмайди. Айниқса, бизнинг иқлим шароитимиз соҳани ривожлантиришга жуда мос келади.

Халқ банки кўмагида барпо этилган Бухоро вилоятининг Бухоро туманида фаолият юритаётган «Бухоро темир отлари» МЧЖ томонидан 980 млн. сўм кредит маблағи ҳисобига 356 бош «Заанен» зотли насли эчки, Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги «Бахт имкон ривож чорваси» фермер хўжалиги томонидан Германия давлатидан сут йўналиши бўйича 292 бош «Заанен» зотли насли эчки келтирилди. Бундан ташқари, ушбу фермер хўжалиги томонидан Австрия давлати билан 1,8 млрд. сўм кредит маблағи ҳисобига 1000 бош «Заанен» зотли насли эчки олиб келиш бўйича импорт шартномаси имзоланиб, шу йилнинг сентябрь ойи якунига қадар насли эчкиларни тўлиқ олиб келиш ишлари амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг «Панаев Фармс» фермер хўжалиги ҳам сут йўналиши бўйича 1,3 млрд. сўм кредит маблағлари ҳисобига 305 бош «Заанен» зотли эчкиларини олиб келиб, эчкичиликни ривожлантириш бўйича дадил қадамларни ташламоқда.

Бундай комплексларнинг яратилишида юқори сифатли эчки гўшти етиштиришнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш, соҳада наслилик билан шуғулланувчи фермер ва деҳқон хўжаликларини кўпайтириш, эчкичилик тармоқлари бўйича ихтисослаштирилган хўжаликлар ташкил этиш каби қатор устувор вазифалар ҳам белгиланган.

Жорий йил якунига қадар чорвачилик йўналишида 107 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилиши ва 8230 бош насли қорамоллар чет элдан олиб келиниши режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, Халқ банки томонидан ҳар бир чорвачилик комплексларининг замонавий талабларга жавоб берадиган моддий-техника базасини босқичма-босқич ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу эса ўз навбатида, ишлаб чиқариш жараёнининг янада кенгайишига, меҳнат унумдорлиги ошишига, энг муҳими, гўшт ва сут маҳсулотларининг арзон бўлишига замин яратади.

Жасур МИРЗАЕВ.

СТАТИСТИКА

Ўзбекистон Республикаси товар-хонаш ё биржаси
2017 йил 11 сентябрдан 15 сентябргача бўлган
биржа (ички бозор) нархлари котировкаси

Маҳсулотларнинг номи	Жорий котировка* (сўмда тоннаси учун)	Нархлардаги ўзгаришлар		
		динамика	(сўмда)	(%)
Автобензин А-80	4 094 434	▲	81 434	2,0%
Автобензин А-91	5 615 110	▲	947 618	20,3%
Азотли-олтингургут ўғит (қопда)	706 620	ўзгармаган	0	0%
Азот-фосфор ўғит (қопда)	998 005	ўзгармаган	0	0%
Аммиакли селитра кальцийли (қопда)	795 306	ўзгармаган	0	0%
Аммофос 46:10 (қадоқланмаган)	1 535 919	ўзгармаган	0	0%
Арматура 25 ст 35 ГС	5 720 162	▲	423 635	8,0%
Қурилиш битуми БН 90/10	5 950 000	ўзгармаган	0	0%
Дизель ёқилғиси	5 514 189	▼	-115 952	-2,1%
Қурилишга оид оҳак 1-нав (қадоқланмаган)	273 000	ўзгармаган	0	0%
Хлорланган калий (қопда)	708 360	ўзгармаган	0	0%
Карбамид (қопда)	625 992	▲	1 689	0,3%
Квадрат 16 ст 3 СП	5 410 817	ўзгармаган	0	0%
Техник керосин	5 083 575	▼	-64 925	-1,3%
Керамик фишт К-0 75 15, 250x120x65 мм (дона)	430	ўзгармаган	0	0%
Озиқ-овқат сирка кислотаси 70%	3 102 255	ўзгармаган	0	0%
Қумоқланмаган омухта ем	2 710 000	ўзгармаган	0	0%
Доира 100 ст 3 СП	2 589 995	▼	-861 612	-25,0%
Линт 1-нав тип Б (класс олий)	2 188 999	ўзгармаган	0	0%
Линт 2-нав тип Б (класс олий)	1 667 399	ўзгармаган	0	0%
Зангламайдиған лист х.к. AISI 304.304L 4X1250X2500 мм	60 000 000	ўзгармаган	0	0%
Ўсимлик ёғи ПЭТ 1 л	5 004 883	▲	41 529	0,8%
Индустриал мой И-50А (литр)	7 130	ўзгармаган	0	0%
Синтетик мотор мойи Shell Helix Sw40 (дона)	240 000	ўзгармаган	0	0%
Писта ёғи ПЭТ 0,935 гр (литр)	10 500	ўзгармаган	0	0%
Рулонли гидроизоляцияцион том ёпиш материали (дона)	140 000	ўзгармаган	0	0%
Мис ўрамаси	56 967 571	▲	14 719 018	34,8%
Бўғдой уни 1-нав	890 546	▲	5 786	0,7%
Бўғдой уни олий нав	1 280 108	▲	40 366	3,3%
Хўжалик совуни 70% (дона)	1 783	▼	-415	-18,9%
Натрий бикарбонат – ош содаси 1-нав (қопда)	2 899 681	▲	11 727	0,4%
Нефть парафини	6 500 000	ўзгармаган	0	0%
Полипропилен FC-550 (SA) (АҚШ доллари)	1 025	ўзгармаган	0	0%
Полиэтилен F-0120	10 982 379	▲	621 886	6,0%
Портландцемент ССПЦ М-400 (қопда)	413 277	▼	-31 948	-7,2%
Сим 10 ст 45	5 755 999	ўзгармаган	0	0%
Ем учун дон 3-класс	880 004	▼	-1	0,0%
Ем учун дон 4-класс	787 347	▲	12 787	1,7%
Ем учун дон 5-класс	728 506	▼	-2 877	-0,4%
Шакар	4 319 910	ўзгармаган	0	0%
Суюлтирилган газ	1 503 064	▼	-192 061	-11,3%
Кальцийлаштирилган сода (қопда)	963 714	▼	-47 737	-4,7%
Алюминий қотишмалари АК7	15 222 999	ўзгармаган	0	0%
Пўлат тунука г.к 6x1500x6000	7 690 000	▲	277 778	3,7%
Сайқалланган ойна М1-СВР қалинлиги 3,5 мм	44 346	▲	4 732	11,9%
Шишали банка 3 л (дона)	1 583	▲	41	2,7%
Сульфат аммоний (қадоқланмаган)	393 841	▼	-0,2	0,0%
Калий сульфати (қадоқланмаган)	5 673 000	ўзгармаган	0	0%
Суперфосфат (қадоқланмаган)	487 806	▲	32 491	7,1%
Труба 20x2,8 (метр)	12 620	ўзгармаган	0	0%
Пўлат труба 114x3,5 ст 3 (метр)	64 408	ўзгармаган	0	0%
Бурчак 30 ст 3 СП	4 085 725	ўзгармаган	0	0%
Қўмир 2 БОМСШ-Б2 0-50	189 304	ўзгармаган	0	0%
Швеллер 16	8 400 000	▲	200 000	2,4%
Пахта чигити шелухаси	483 858	ўзгармаган	0	0%
Шифер 8 тўлқинли	32 737	▲	532	1,7%
Шрот (кунгабоқар)	1 250 000	ўзгармаган	0	0%
Шрот (соя)	5 800 000	ўзгармаган	0	0%
Пахта чигити шроти (кунжараси)	839 000	▼	-137 879	-14,1%
Арпа	684 092	▲	25 354	3,8%

* Маҳсулотлар котировкаси охириги ҳафтадаги савдо натижалари асосида шакллантирилади. Ҳисобот ҳафтаси давомида биржа савдоларига қўйилмаган ёки сотилмаган товарлар учун котировка бўлиб ўтган охириги савдолар натижалари асосида шакллантирилади.

Биржа листингини ўтказиш тартибига қўра, сўнги 3 ойда товарга талаб бўлмаган, ушбу товар билан битимлар мунтазам тузилмаган тақдирда маҳсулот биржа котировка ваарағидан чиқарилади.

Ахборот ва статистика бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси товар-хонаш ё биржаси (www.uzex.uz) материаллари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан 2017 йил
19 сентябрдан бошлаб ўрнатилган хорижий
валюталарнинг сўмга нисбатан расмий курси

Валюта номи	Курс	Курсдаги ўзгаришлар		
		динамика	(сўмда)	(%)
1 АҚШ доллари	8 077,48	▼	-14,65	-0,18%
1 Евро	9 646,13	▼	-72,52	-0,75%
1 Россия рубли	140,22	▼	-0,99	-0,70%
1 Хитой юани	1 233,69	▼	-10,51	-0,84%
1 Чехия кронаси	369,93	▼	-2,74	-0,74%
1 Венгрия форинти	31,21	▼	-0,52	-1,64%
1 Ҳиндистон рупийси	126,20	▼	-0,52	-0,41%
1 Эрон риали	0,24	–	0	0%
1 Исроил шекели	2 295,13	▼	-10,65	-0,46%
1 Япония иенаси	72,68	▼	-1,97	-2,64%
1 Қозоғистон тенгеси	23,82	▼	-0,24	-1,00%
1 Жанубий Корея вони	7,17	▲	0,02	0,28%
1 Кувайт динари	26 826,57	▼	-70,99	-0,26%
1 Қирғизистон соми	117,58	▼	-0,09	-0,08%
1 Малайзия рингити	1 931,03	▲	3,41	0,18%
1 Канада доллари	6 630,67	▼	-32,81	-0,49%
1 Сингапур доллари	6 010,92	▼	-15,84	-0,26%
1 Швейцария франки	8 414,92	▼	-107,60	-1,26%
1 БАА дирҳами	2 199,15	▼	-4,11	-0,19%
1 Миср фунти	457,91	▼	-1,87	-0,41%
1 Англия фунт стерлинги	10 979,72	▲	318,34	2,99%
1 Австралия доллари	6 484,60	▼	-27,14	-0,42%
1 Туркманистон манати	2 314,13	▼	-4,53	-0,20%
1 Янги турк лираси	2 350,70	▼	-22,99	-0,97%
1 СДР	11 465,18	▼	-60,44	-0,52%
1 Афғонистон афганиси	117,87	▼	-0,57	-0,48%
1 Тожикистон сомони	918,51	▼	-0,56	-0,06%
1 Белорус рубли	4 172,25	▼	-31,24	-0,74%
1 Болгария леви	4 934,02	▼	-35,97	-0,72%
1 Бангладеш такаси	100,18	▲	0,80	0,80%
1 Украина гривнаси	308,42	▼	-2,22	-0,71%
1 Грузия лариси	3 276,87	▼	-19,98	-0,61%
1 Польша злотийси	2 255,78	▼	-35,76	-1,56%
1 Бразилия реали	2 598,18	▼	-22,75	-0,87%

Худудлар ривожини
учун кредитлар

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури ижроси юзасидан «Асака» акциядорлик тижорат банки Фарғона вилояти филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида муассасанинг барча молиялаш манбалари ҳисобидан соҳа субъектларига 47,3 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди, шундан аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга 5,3 млрд. сўм миқдориди сармоялар йўналтирилди. Бу ўтган йилга нисбатан 1,2 баробар кўп демакдир. Ажратилган банк кредитлари эвазига жойларда жами 1745 нафар иш ўрни яратилди. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш бўйича банк томонидан 1345 нафар жисмоний шахсга жами 12,5 млрд. сўм имтиёзли микрокредитлар берилди. Жумладан, чорвачиликни ривожлантиришга 9,8 млрд. сўм, иссиқхона қуришга 702,0 млн. сўм, паррандочилик соҳасига 1,036 млрд. сўм, лимон, грек ёнгоғи ва узумчилик соҳасини ривожлантириш учун 898,0 млн. сўм ва бошқа йўналишларга 110,0 млн. сўм ҳажмида кредитлар берилди.

Таъкидлаш жоиз, касбхунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг ўз тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришида кўмаклашиш учун «Асака» банк АТБнинг Фарғона вилояти филиали то-

монидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ўз бизнес лойиҳалари билан банк оstonасига келаётган битирувчиларга кўрсатилаётган ёрдам, уларнинг истиқболли лойиҳалари банк кредитлари билан қўллаб-қувватланиши алоҳида аҳамият касб этади.

– Банк филиаллари томонидан деҳқон ва фермер хўжалиқларига чорвачилик, паррандачилик, асаларичиликни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш учун кредит маблағлари мунтазам ажратиб келинмоқда, – дейди «Асака» АТБнинг Фарғона вилояти филиали бошқарувчиси Азиз Эгамбердиев. – Банк кредитлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар натижасида худудда тармоқлар ривожланиб, ишлаб чиқариш салмоғи ортмоқда, кўплаб иш ўринлари яратилмоқда, аҳоли фаровонлиги юксалмоқда. Бу борада аниқ мисол келтириб, узумчиликни ривожлантириш учун «Мадинабону» фермер хўжалигига 160,0 млн. сўм, сервис йўналишида эса «Фарғона олтин водий навқари» МЧЖга автобуслар сотиб олиш учун 2631,0 млн. сўм кредит маблағлари ажратилганини қайд этиш мумкин. Ҳамдам АМИНОВ.

СТАТИСТИКА

7

«Тошкент» РФБ нархлари индекси

Сана	Нарх	Ўзгариш	ҚҚ сони (бирликда)	Савдолар ҳажми (сўмда)
UCI				
15.09.2017	995,23	▲ 0.06	3 348	3 399 900
14.09.2017	995,17	0	10 999	216 283 000
13.09.2017	995,17	▲ 0.66	153 801	157 277 200
12.09.2017	994,51	0	289 996	467 160 245
11.09.2017	994,51	0	7 589	8 974 590
08.09.2017	994,51	0	13 838 760	140 174 200
07.09.2017	994,51	0	2 451	11 004 840
06.09.2017	994,51	▲ 0.91	9 665	1 501 510
05.09.2017	993,60	▼ -5.52	5 927	10 353 030
04.09.2017	999,12	▲ 0.12	76 614	80 509 970
Молия сектори				
15.09.2017	978,38	0	0	0
14.09.2017	978,38	0	200	3 800
13.09.2017	978,38	0	147 249	147 249 000
12.09.2017	978,38	0	284 975	461 559 525
11.09.2017	978,38	0	0	0
08.09.2017	978,38	0	13 837 560	138 375 600
07.09.2017	978,38	0	0	0
06.09.2017	978,38	▲ 1.49	9 665	1 501 510
05.09.2017	976,89	0	0	0
04.09.2017	976,89	▲ 0.20	24 980	58 474 110
Саноат				
15.09.2017	1 025,65	▲ 0.36	168	188 100
14.09.2017	1 025,29	0	0	0
13.09.2017	1 025,29	0	182	4 550 000
12.09.2017	1 025,29	0	1 650	1 650 010
11.09.2017	1 025,29	0	300	1 222 800
08.09.2017	1 025,29	0	0	0
07.09.2017	1 025,29	0	2 448	11 000 940
06.09.2017	1 025,29	0	0	0
05.09.2017	1 025,29	0	182	4 550 000
04.09.2017	1 025,29	0	0	0
Қурилиш сектори				
15.09.2017	856,95	0	0	0
14.09.2017	856,95	0	110	143 000
13.09.2017	856,95	0	0	0
12.09.2017	856,95	0	250	305 000
11.09.2017	856,95	0	0	0
08.09.2017	856,95	0	0	0
07.09.2017	856,95	0	3	3 900
06.09.2017	856,95	0	0	0
05.09.2017	856,95	▼ -67.21	2	2 600
04.09.2017	924,16	0	0	0
Агросаноат мажмуаси				
15.09.2017	1 361,84	0	0	0
14.09.2017	1 361,84	0	7 389	212 803 200
13.09.2017	1 361,84	▲ 34.40	6 370	5 478 200
12.09.2017	1 327,44	0	0	0
11.09.2017	1 327,44	0	0	0
08.09.2017	1 327,44	0	200	788 600
07.09.2017	1 327,44	0	0	0
06.09.2017	1 327,44	0	0	0
05.09.2017	1 327,44	0	0	0
04.09.2017	1 327,44	▲ 11.12	49 368	19 747 200
Ижтимоий соҳа				
15.09.2017	1 062,10	0	3 180	3 211 800
14.09.2017	1 062,10	0	3 300	3 333 000
13.09.2017	1 062,10	0	0	0
12.09.2017	1 062,10	0	3 121	3 645 710
11.09.2017	1 062,10	0	7 279	7 351 790
08.09.2017	1 062,10	0	1 000	1 010 000
07.09.2017	1 062,10	0	0	0
06.09.2017	1 062,10	0	0	0
05.09.2017	1 062,10	0	5 743	5 800 430
04.09.2017	1 062,10	0	2 266	2 288 660
Бошқа соҳалар				
15.09.2017	1 445,73	0	0	0
14.09.2017	1 445,73	0	0	0
13.09.2017	1 445,73	0	0	0
12.09.2017	1 445,73	0	0	0
11.09.2017	1 445,73	0	10	400 000
08.09.2017	1 445,73	0	0	0
07.09.2017	1 445,73	0	0	0
06.09.2017	1 445,73	0	0	0
05.09.2017	1 445,73	0	0	0
04.09.2017	1 445,73	0	0	0

«Тошкент» РФБ савдолари якуни

Сана	Эмитент	Май-дон	Савдо нархи	ҚҚ сони	Савдолар ҳажми (сўмда)
15.09.2017	«Туронбанк» АТБ	G1	1750	102	178 500
15.09.2017	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	G1	20	5 180	103 600
15.09.2017	«Тошнефтегазқурилиш» АЖ	NC	1000	153	153 000
15.09.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1010	300	303 000
15.09.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1010	1 000	1 010 000
15.09.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1010	300	303 000
15.09.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1010	300	303 000
15.09.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1010	194	195 940
15.09.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1010	486	490 860
15.09.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1010	300	303 000
15.09.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1010	300	303 000
15.09.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1010	300	303 000
15.09.2017	«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ	G1	143,1	143 995	20 605 685
15.09.2017	«Туронбанк» АТБ	G1	1750	877	1 534 750
15.09.2017	«Туронбанк» АТБ	G1	1750	3 435	6 011 250
15.09.2017	«Туронбанк» АТБ	G1	1750	380	665 000
15.09.2017	«MNGT» АЖ	G1	2340	15	35 100
18.09.2017	«Олчазор Азия» АЖ	G1	30000	30	900 000
18.09.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1010	1 000	1 010 000
18.09.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1010	1 942	1 961 420
18.09.2017	«Дори-Дармон» АК	G1	4300	20	86 000
18.09.2017	«Дори-Дармон» АК	G1	4300	963	4 140 900
18.09.2017	«Дори-Дармон» АК	G1	4300	1 041	4 476 300

САВДОЛАР ҲАЖМИ БЎЙИЧА БРОКЕРЛИК ИДОРАЛАРИ ТОП-10ЛИГИ, 30 кун давомида

№ БИ	Савдолар ҳажми (сўмда)
№ БИ - 00443 «Kapital-Depozit» МЧЖ	8 945 571 000
№ БИ - 00455 «Universal Depozit» МЧЖ	2 300 346 200
№ БИ - 00460 «TAT REESTR» МЧЖ	2 018 703 800
№ БИ - 00416 «Alp omad invest» МЧЖ	2 008 703 200
№ БИ - 00450 «BBD» МЧЖ	972 177 295
№ БИ - 00412 «Orient securities» МЧЖ	799 199 110
№ БИ - 00453 «FULL STOCK GROUP» МЧЖ	512 827 200
№ БИ - 00447 «Mulk-Sarmoya Brokerlik uyi» АЖ	454 931 890
№ БИ - 00472 «NAYMON INVEST CONSULTING» МЧЖ	170 969 485
№ БИ - 00382 «DALAL STANDARD» МЧЖ	156 070 150

БИТИМЛАР Сони БЎЙИЧА БРОКЕРЛИК ИДОРАЛАРИ ТОП-10ЛИГИ, 30 кун давомида

№ БИ	Битимлар сони (бирликда)
№ БИ - 00447 «Mulk-Sarmoya Brokerlik uyi» АЖ	73
№ БИ - 00444 «Ishonch LTD» МЧЖ	63
№ БИ - 00443 «Kapital-Depozit» МЧЖ	61
№ БИ - 00453 «FULL STOCK GROUP» МЧЖ	57
№ БИ - 00454 «Portfolio Investments» МЧЖ	51
№ БИ - 00450 «BBD» МЧЖ	21
№ БИ - 00460 «TAT REESTR» МЧЖ	20
№ БИ - 00439 «ТошИнвестКом» ХК	16
№ БИ - 00412 «Orient securities» МЧЖ	15
№ БИ - 00382 «DALAL STANDARD» МЧЖ	9

БИТИМЛАР АЙЛАНМАСИ БЎЙИЧА ЛИСТИНГ КОМПАНИЯЛАРИ ТОП-10ЛИГИ, 30 кун давомида

Эмитент	Номинал қиймати (сўмда)	Савдолар ҳажми (сўмда)
«Туркистон» ХАТБ	1 000	4 470 441 000
«Сурхонозикқовқатсаноати» АЖ	3 414	2 301 134 800
«Универсал банк» ХАТБ	5 000	778 975 000
«Гулистон Экстракт Еф» АЖ	1999	504 043 200
«Туронбанк» АТБ	1 700	152 372 500
«Ипак йўли» АИТБ	10	138 375 600
«Олчазор Азия» АЖ	5 000	74 730 000
«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	1 000,00	52 221 040
«Шифобахш булоқ» АЖ	747	50 960 000
«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ	119,25	20 605 685

БИТИМЛАР Сони БЎЙИЧА ЛИСТИНГ КОМПАНИЯЛАРИ ТОП-10ЛИГИ, 30 кун давомида

Эмитент	Номинал қиймати (сўмда)	Битимлар сони (бирликда)
«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	1 000	60
«Гулистон Экстракт Еф» АЖ	1 999	39
«Туркистон» ХАТБ	1 000,00	27
«Гулистон Экстракт Еф» АЖ	1 999,00	18
«Универсал банк» ХАТБ	5000	14
«Тошкентвино комбинати» ИИ АЖ	4 000	10
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	19	6
«Шифобахш булоқ» АЖ	747	6
«Гранит» АЖ	2 179	5
«Оникс» АЖ	4 550	5

Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

Лицензия талаблари юмшатилади

ҚХТБТ порталда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 275 ва 290-моддаларига қўшимчалар киритилишини назарда tutувчи қонун лойиҳаси эълон қилинди.

ҚХТБТ порталда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низога ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси муҳокама учун жойлаштирилди.

Улгуржи савдо корхоналари устав жамғармаси миқдорига талабларни ЭКИХнинг 3 500 бараваридан ЭКИХнинг 1 000 бараваригача, устав жамғармасини пул маблағлари билан шакллантириш қисмида эса – ЭКИХнинг 1 200 бараваридан ЭКИХнинг 100 бараваригача қисқартириш тақлиф қилинмоқда.

Устав жамғармасининг алоҳида миқдорига ва таркибига талабларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қиладиган корхоналарга татбиқ этмаслик тақлиф қилинмоқда.

Уларга юридик шахслар устав жамғармаси миқдорига бўлганидек умумий талаблар қўйилади. Масалан, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасида уларнинг устав жамғармалари камида ЭКИХнинг 40 бараварини ташкил этиши белгиланган.

Эслатиб ўтамиз, илгари лицензияларнинг ушбу турини бекор қилиш режалаштирилган эди.

Шунингдек, лицензия олишда юридик шахс давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномани тақдим этиш тўғрисидаги талаб ҳам бекор қилинади.

Лойиҳа ўзгартирилиши, тўлдирилиши ёки рад этилиши мумкин.

Инвесторларга болалар боғчалари учун ер ва бинолар бепул

Президентимизнинг 2017 йил 9 сентябрдаги «Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори имзоланди.



Соҳада 2 та эксперимент амалга оширилади.

Давлат-хусусий шериклик жорий этилади

2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида эксперимент тариқасида янги мактабгача таълим муассасалари давлат-хусусий шериклик шартларида барпо этила бошлайди, бунда куйидагилар кўзда тутилади:

- Замонавий ижтимоий-ҳаммабон мактабгача таълим муассасалари (кейинги ўринларда – МТМ) ташкил этиш мақсадида инвесторларга ер участкалари ва буш турган биноларни беғараз ажратиш;

- инвесторларга МТМни айнақса, шундай муассасаларга юқори эҳтиёж мавжуд ва инфратузилмаси ривожланмаган ҳудудларда ташкил этиш учун зарур бўлган солиқ ва бошқа имтиёзларни тақдим этиш имконияти;

- инвесторлар томонидан ваколатли давлат органлари билан 50 йил муддатга тузиладиган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув асосида лойиҳани амалга ошириш;

- инвесторлар томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда назарда тутилган шартларга, мактабгача таълим соҳасидаги давлат талабларига, санитария-гигиена нормаларига қатъий риоя этиш, келишув амал қилишининг бутун муддати давомида фаолият йўналишини сақлаб қолиш бўйича мажбуриятларни қабул қилиш, шунингдек, МТМ хизмати нарҳининг ижтимоий ҳаммабоплигини таъминлаш.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистонда Мақтабгача таълим вазирлигини ташкил этиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Давлат МТМларида овқатланиш тўғридан-тўғри

шартномалар ҳисобига

Тошкент шаҳрида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларига тадбиркорлик субъектлари билан сифат талабларига ва санитария-гигиена нормаларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатларни ётказиб бериш тўғрисида тўғридан-тўғри шартномалар тузишга эксперимент тариқасида рухсат берилди.

Изоҳ: экспериментлар якунига кўра республиканинг бошқа ҳудудларида давлат-хусусий шериклик механизmlарини ва мактабгача таълим муассасаларида овқатланишни ташкил этиш тартибини жорий этиш масаласи кўриб чиқилади.

Мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди.

«Йўл харитаси»га мувофиқ:

- сифатли мактабгача таълимни ташкил этишга давлат талаблари, шу жумладан, мактабгача ёшдаги болаларни уйғун ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилади;

- миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқиш уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материалларни тайёрлаш ҳамда жорий этиш ишлари замонавий талабларга мувофиқлаштирилади;

- ваколатли давлат органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилишни соддалаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилади;

- давлат мактабгача таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник таъминотини яхшилаш бўйича чоралар кўрилади.

Бюджет маблағларини ҳисобга олиш ва қайтариш механизмидаги тузатишлар

Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди (рўйхат рақами 2771-1, 2017 йил 29 август).

Хусусан, турли маъмурий-ҳудудий бирлик ҳудудида ҳисобга олинмаган солиқ мажбуриятлари бўйича ортиқча тўланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобга олишга тақиқ жорий этилди.

Солиқ органи хулоса тузади, молия бўлими – тасдиқлайди

Энди СКнинг 56 ва 57-моддаларига мувофиқ, ортиқча тўланган солиқлар суммаларини қайтариш ёки ҳисобга олиш учун давлат солиқ хизмати органи ахборот тизимида маблағларни қайтариш ёки ҳисобга олиш тўғрисида электрон хулоса тайёрлайди ва ЭРИ билан тасдиқлаш орқали «ЎРМВ» АТга электрон тарзда юборади.

Туман (шаҳар) молия бўлими 1 кун мобайнида уни кўриб чиқиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ хулосада кўрсатилган маблағларни қайтариш ёки ҳисобга олишга эътирозлари бўлмаганида хулосани тасдиқлайди, эътирозлар бўлганида эса, сабабини кўрсатган ҳолда қайтаради.

Туман (шаҳар) молия бўлимлари томонидан «ЎРМВ» АТда тасдиқланган хулосалар тегишли фазначилик бўлинмалари томонидан хулосада кўрсатилган даромад шахсий фазна ҳисобварағидан жорий ту-

шумлар ҳисобидан қайтариш ёки ҳисобга олиш учун 1 иш куни муддатида ижрога қабул қилинади.

Маъмурий ва иқтисодий судларнинг жисмоний ва юридик шахслар томонидан ортиқча тўланган давлат божини қайтариш бўйича суд қарори (ажрими, буйруғи) мавжуд бўлганда тегишли фазначилик бўлинмаларига ваколатли орган томонидан хулоса ўрнига суд қарори тақдим қилинади.

Агар маблағлар етарли бўлмаса

Алоҳида ҳолларда, агар 10 иш куни мобайнида (илгари 30 кун мобайнида) жорий тушумларнинг етишмаслиги ёки мавжуд бўлмаганлиги сабабли қайтариш ёки ҳисобга олиш имконияти бўлмаса, ортиқча тўланган маблағни қайтариш ёки ҳисобга олиш тегишли бюджетнинг шахсий фазна ҳисобварағидан амалга оширилиши мумкин.

Белгиланган муддат ўтганидан сўнг маблағни қайтариш ёки ҳисобга олиш тўғрисидаги электрон хулосани ижро этиш автоматик тарзда тўхтатилади ва қайтариш ёки ҳисобга олиш бўйича қолдиқ сумма:

- ЭКИХнинг 10 000 бараваридан юқори бўлган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирли-

ги томонидан «ЎРМВ» АТда маъқуллангач;

- ЭКИХнинг 10 000 бараваридан кам бўлган ҳолларда автоматик тарзда тегишли бюджет маблағларидан (тегишли даромад турини камайтирган ҳолда) қайтариш ёки ҳисобга олиш бўйича тўлов ҳужжати шакллантирилади.

Тўловномани ким тасдиқлайди

Бюджет маблағларидан қайтариш ёки ҳисобга олиш бўйича тўлов ҳужжати маблағлар:

- республика бюджетидан қайтарилиши лозим бўлса – Молия вазирлиги Фазначилиги томонидан;

- Қорақалпоғистон республика бюджети, вилоят бюджетлари ва пойтахтнинг шаҳар бюджетидан қайтарилиши лозим бўлса – Қорақалпоғистон Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармалари томонидан;

- туман ва шаҳар бюджетларидан қайтарилиши лозим бўлса – туман ва шаҳар молия бўлимлари томонидан;

- ДМЖ бюджетидан қайтарилиши лозим бўлса – уларни тақсимловчи томонидан бир иш куни муддатида «ЎРМВ» АТда маъқулланган.

Ҳужжатга айрим бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилган.

Ўзбекистон – Қозоғистон: ҳамкорлик кенгаймоқда

Пойтахтимизда Ўзбекистон ва Қозоғистон ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Тадбир Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида ўтказилиб, унинг доирасида умумий киймати 1,2 млрд. АҚШ долларлик келишувлар имзоланди.

Бизнес-форумда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, ёқилғи энергетика, авиаташув, автомобилсозлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, қурилиш, тоғ-кон саноати, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, сўғурта, экспорт-импорт, озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш, туризм ва фан-таълим каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари ҳамда етакчи компаниялари раҳбарлари иштирок этди.

2016 йил натижаларига кўра, икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айланмаси 2 млрд. долларни ташкил қилган. 2017 йил биринчи ярмида эса бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,4 фоизга, яъни 953 млн. долларгача ошган.

Ўзбекистонда қозоғистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 230 га яқин корхона, Қозоғистонда мамлакатимиз тадбиркорлари билан биргаликда тузилган 130 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда.



берилаётган бўлса, Қозоғистондан нефть ва нефть маҳсулотлари, металл, ун, ёғ олиб кирилмоқда.

Форумда Қозоғистоннинг қишлоқ ҳўжалиги, савдо-сотиқ, нефть-газ, фармацевтика, машинасозлик, кимё, қурилиш, озиқ-овқат, ҳарбий, енгил саноат ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқларида фаолият кўрсатаётган 400 дан орტიқ компания вакиллари иштирок этди. Тадбирда уларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, сармоя кириштириш истиқболлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш омиллари тўғрисида маълумот берилди. Ўзбекистон ва Қозоғистон ишбилармонлари ҳамкорлигида тур-

ли соҳаларда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар ва уларнинг ижроси ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ўзаро товар айланмасини 2020 йилгача 5 млрд. долларгача етказиш мақсад қилинди. Бу ҳақда Қозоғистон Президенти Тошкентда мамлакатимиз раҳбари билан бўлган учрашувда маълум қилди. Шу муносабат билан ҳукуматлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва барча ишлатилмаган захираларни қўллаш бўйича қўшимча вазифаларни белгилаб олишди.

Томонлар яқин истиқболда 2-3 та қўшма инвестициявий лойиҳани амалга оширишга келишиб олди.

Наргиз АҲМЕДОВА.

2016 йил натижаларига кўра, икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айланмаси 2 млрд. долларни ташкил қилган. 2017 йил биринчи ярмида эса, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,4 фоизга, яъни 953 млн. долларгача ошган.

Тадбирда таъкидланганидек, мазкур бизнес-форум мамлакатлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хусусан, савдо-иқтисодий, сармоявий ва ижтимоий соҳалардаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Қайд этиш жоиз,

Республикаимиздан ушбу қўшни мамлакатга табиий газ, автомобиллар, транспорт воситалари, минерал ўғитлар, тўқимачилик, электр энергияси, мева-сабзавот маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқа турдаги товар ва маҳсулотлар етказиб

Тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти, Савдо-саноат палатаси, «Осиё рамзи» Ўзбекистон модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси кўмагида «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Енгил саноат иқтисодиётимизнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда тармоқда 900 млн. АҚШ доллари миқдорига тўғриван тўғри инвестицияларни жалб қилган ҳолда 77 йirik инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, натижада йигирилган ипни бўяшни 3 бараварга, трикотаж тасмасини 1,5 бараварга, тайёр матолар ва пайпоқ маҳсулотларини 2 бараварга, тўқув-трикотаж маҳсулотларини 3 бараварга ошириш кўзда тутилган. Лойиҳалар ижроси натижасида 40 мингдан орტიқ янги иш ўринлари яратилади.

«Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – САТМЕ 2017» ва «Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan 2017» халқаро кўргазмаларида жорий йилда Беларусь, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Испания, Италия, Қозоғистон, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Люксембург, Нидерландия, Россия, АҚШ, Туркия,

Тўқимачилик технологияларининг кенг намоиши

«Ўзэкспоарказ»да «Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – САТМЕ 2017» ҳамда «Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan 2017» халқаро кўргазмалари бўлиб ўтди.



Франция, Чехия, Швейцария каби 22 давлатдан 350 дан орტიқ компания иштирок этди.

Бунда «САТМЕ» экспозициясида йигирув ускуналари, калавалаш машиналари, тўқимачилик, тикув, бўяш ва пардозлаш ускуналари бўлимларида тўқув ускуналари, босиш машиналари, пайпоқ автоматлари, компрессорлар, тикув игналари, сифатни назорат қилиш тизимлари, тўқувчиликда қўлланиладиган кимёвий моддалар, бўёқлар сингари ишлаб чиқариш жараёни учун зарур жиҳоз ва ашёлар намоиш этилди.

Жорий йилдаги кўргазмада Германиянинг «ZSK

Stickmaschinen ABM» ва «Anlagenbau und Maschinentechnik GmbH, АҚШнинг «Navis Tubtex», Ҳиндистоннинг «Elgi Ultra», «Sabar Spinmatic», Туркиянинг «Effe Makine», «Ay Yildiz», «Fuzyon», «Inter Tekstil», Россиянинг «Detel» каби 70 та хорижий компанияси ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

– Кейинги йилларда мамлакатимизда хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди германиялик ишбилармон Харелд Груп. – Шунинг билан олиб, ушбу кўргазмада энг сўнгги замонавий тўқув дастгоҳлари билан иштирок этишга аҳд

қилдик. Тадбирда Ўзбекистон тадбиркорлари матоларга безак берувчи турли дастгоҳларимиз билан кўпроқ қизиқиб, ҳамкорлик юзасидан маълумотлар алмашди.

Аънамага мувофиқ, «Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan 2017» кўргазмаси стендларида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг экспортга мўлжалланган юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотлари кенг ўрин эгаллади. Экспозицияда «Uztex Group», «Osborn Textile», «Alkim Tekstil», «Biryuza Group», «Urganch Bakhmal», «Namangan Momiq Sochiqlari», «Sedat Triko» сингари йirik экспортёр корхоналар

қатнашди. Улар калава, трикотаж полотноси, тайёр тикувчилик-трикотаж, паҳмоқ буюмлар ва бошқа кўплаб маҳсулотларни намоиш этди.

– Андижон вилоятида йirik тўқимачилик комплекси ташкил этилмоқда, – дейди «Хантекс групп» масъулияти чекланган жамияти вакили Улугбек Мирзаев. – Мажмуа лойиҳаси Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан вилоятимизга қилган ташрифи давомида тасдиқланган бўлиб, бугунги кунда айни бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда. Биз мажмуани замонавий технология билан жиҳозлаш мақсадида бозор тенденциялари билан танишиш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ушбу кўргазмага ташриф буюрдик.

Ҳар йилгидек, «САТМЕ 2017» ва «Textile Expo Uzbekistan 2017» халқаро кўргазмалари дунё жамоатчилигининг мамлакатимиз енгил саноати тармоғида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлардан хабардорлигини ошириш билан бир қаторда мамлакатимиз тадбиркорлик субъектлари учун таниқли хорижий компанияларнинг энг сўнгги технологиялари билан танишиш, чет эллик етакчи ишлаб чиқарувчилар билан тўғриван тўғри алоқа ўрнатиш ҳамда тажриба алмашиш борасида қўлай майдонга айланади.

Гулшан ЮСУПОВА.

Бизнес омбудсман: тадбиркорлик ҳимояси ва вазифалар таҳлили

Халқаро Пресс клубда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтининг ташкил этилишига бағишланган тадбир ўтказилди.


Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институт, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Тадбир давомида «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, шунингдек, тадбиркорлар учун яратилаётган шароит ва имкониятлар муҳокама қилинди.

Тадбирда таъкидланганидек, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда амал-

га оширишда иштирок этиш, давлат органлари томонидан улар ҳуқуқларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, фаолиятини текшириш амалга оширилаётганда уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Шунингдек, институт тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилишини ўрганади, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга таъсири самарадорлигини баҳолайди, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга, уларни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун вакил давлат органларига тадбиркорлик соҳасидаги қонун



ҳужжатларини оғишмай бажариш юзасидан оғоҳлантириш, тақдимнома ҳамда тадбиркорларнинг манфаатини кўзлаб судларга ариза ва даъво аризалари билан муурожаат этиш ваколатларига эга.

– Республика ҳудудларидаги тадбиркорларни қизиқтираётган соҳага оид масалалар ҳамда уларнинг фаолиятида учраётган муаммоларни ўрганиш учун Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида тадбиркорлар билан жами 3150 та учрашув ўтказилди, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Дилмурод Қосимов.**

– Шунингдек, ушбу вилоятлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ўрганилди. Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг институтлари билан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳамкорлик ўрнатиш юзасидан 21 та Меморандум лойиҳаси ишлаб чиқилиб, келишиш учун тегишли ташкилотларга юборилди.

Бундан ташқари, тадбир-

да назорат органлари томонидан тадбиркорлар фаолиятини текширишларда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 2000 дан ортиқ буклетлар ишлаб чиқилиб, тадбиркорларга тарқатилаётгани айтиб ўтилди.

Мазкур вакил институтининг ташкил қилиниши иқтисодиётнинг етакчи кучларидан бўлган тадбиркорлар манфаатлари устуворлигини таъминлаш, давлат органлари ва тадбиркорлар ўртасида самарали мулоқотни мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқлари бузилишига барҳам беришга олиб келиши таъкидланди.

Гулшан ЮСУПОВА.

Кичик саноат зонасида 3 200 дан зиёд иш ўрни яратилади

Президентимизнинг жорий йил 30 мартдаги «Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида кичик саноат зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Қарорига асосан 2017-2018 йилларда бу ерда 106 млн. долларлик 125 лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу 3 200 дан ортиқ янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ташаббуси билан Янгиер кичик саноат зонасида ўтказилган мулоқотда шу ҳақда сўз юритилди. Мулоқот тадбиркор ва фермерларни мазкур кичик саноат зонасидаги шарт-шароит ва имкониятлар билан таништириш, уларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтариш, ҳудудда ишламоқчи бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, масъул вазирлик ва идоралар, Марказий банк ва тижорат банклари вакиллари иштирок этган тадбирда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, жумладан, Президентимизнинг кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги фармон, қарор ва фармойишлари ҳудудларни комплекс ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

– Президентимизнинг жорий йил 17 май куни Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида Янгиер кичик саноат зонаси ҳудудидан мақсадли фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар режаси ижроси бўйича давлат тижорат банклари томонидан таклиф этилган 131 лойиҳанинг ҳар бири бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди, – дейди **Янгиер кичик саноат зонаси дирек-**

цияси бошлиғи Ҳ.Маннопов. – Айни пайтда вилоятдаги тижорат банклари томонидан 125 лойиҳа бўйича 291 млрд. 922 млн. сўмлик йўл хариталари ишлаб чиқилди. 29 лойиҳага 11 млрд. 493 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бунинг самарасида тўқимачилик, чарм-пойабзал, кимё, озиқ-овқат, электротехника саноати, қурилиш материаллари, мева-сабзавотни чуқур қайта ишлаш ва бошқа йўналишларда юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидан келган 200 дан ортиқ тадбиркорда саноат зонасида яратилган имконият ва шароитлар катта қизиқиш уйғотди.

– Корхонамиз қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, – дейди **тошкентлик тадбиркор Ф.Қаландаров.** – Саноат зонасидаги шароитларни ўз кўзим билан кўрдим. Бу ерда тадбиркорлик қилиш учун барча шароит мавжуд. Жумладан, барча коммуникациялар – сув, табиий газ, электр таъминоти давлат ўз зиммасига олмақда. Саноат зонасида энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 баробари миқдоридан инвестиция кириши белгиланган бўлиб, ҳудуднинг ўзидagi тижорат банклари томонидан кредит ажратилмоқда. Солиқлар бўйича ҳам имтиёзлар берилган. Менда ҳам Янгиер кичик саноат зонасида ўз фаолиятимизни йўлга қўйиш истаги пайдо бўлди.

Амалий мулоқотда иштирок этган ўндан ортиқ тадбиркорлик субъекти билан Янгиер кичик саноат зонаси дирекцияси ўртасида ҳамкорлик келишувлари имзоланди.

ЎЗА материаллари асосида.

Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди

Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказида «Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантиришнинг халқаро тажрибаси ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича маркетинг стратегияси» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, USAIDнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, халқаро экспертлар, эркин иқтисодий ва саноат зоналари раҳбарлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда ташкил этилаётган эркин иқтисодий зоналар ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини қайд этди. Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тартибга соладиган мустаҳкам база яратилгани, кенг қўламли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар тизимини шакллантиришда ўзига хос ёндашувнинг

мавжудлиги эътироф этилди.

Айни пайтда мамлакатимизнинг 10 минтақасида 14 эркин иқтисодий зона фаолият юритилмоқда. Ҳар бир вилоятда кичик бизнес субъектларининг фаолият юритишини рағбатлантиришга хизмат қиладиган кичик саноат зоналари ташкил этилган. Бу, ўз навбатида, юқори талаб ва тез ўзгарувчан бозор механизми шароитида истеъмолчиларга зарур товар ва хизматларни ўз вақтида ишлаб чиқариш ва етказиб беришда қатор афзалликларга эга.

Тадбирда экспертлар Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг мустаҳкам асоси, бу борада қўлга киритилган халқаро тажриба ва ютуқлар ҳақидаги маърузалари билан иштирок этди. Халқаро экспертлар томонидан эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар берилди, шунингдек, хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича маркетинг стратегиялари ишлаб чиқилди.




Бутунжаҳон бўйича мол-мулклар ҳисоби

Буюк Британиянинг «SavillsPlc.» компанияси ўтказган тадқиқотга кўра, жаҳон бўйича жами мол-мулкларнинг умумий қиймати 200 трлн. АҚШ долларини ташкил этади.

Ҳисоб-китобларга кўра, жаҳон бўйича мавжуд жами хусусий мулкларнинг 84 фоизи уй-жой ҳисобланади (168,5 трлн. АҚШ доллари), қолгани эса тижорат объектларидир.

Шунингдек, «Brexit» сабабли Лондондаги уй-жойлар нархи кўтарилмаслиги мумкинлиги қайд этилмоқда. «Bloomberg» мутахассислари ўтказган сўровномадан сўнг шундай хулосага келинди.

Тахмин қилинишича, «Brexit» туфайли Лондондаги уй-жойлар нархи бир неча йил давомида ўзгармасдан қолиши мумкин. Унга қадар Буюк Британия пойтахти уй бозоридаги нархлар бир йил ҳисобида 1,6 фоиз ортган эди. Гарчи бу кўрсаткич июлдаги ўсиш суръатидан юқори бўлган бўлса-да, у 2014 йилнинг худди шу давридаги натижадан бирмунча паст бўлди. Уша вақтларда бу кўрсаткич 20 фоизни ташкил қилган эди. Шундан сўнг 2017 йилга келиб йиллик ҳисобдаги ўсиш суръати 1 фоизга етди. «PricewaterhouseCoopers LLP» 2018 ва 2019 йилларда ҳам нархлар ўсишида сустлашув




кузатилишини башорат қилмоқда.

Иқтисодчи Сэмюэл Томбснинг фикрига кўра, Европа Иттифоқи таркибидан чиқиб кетиш юзасидан ўтказилган сайлов Лондондаги уй бозорида «бурилиш»ни юзага келтирди. «Brexit»нинг иқтисодиётга таъсири ва молиявий худудни неча нафар ишчилар тарқ этиши бўйича юзага келган мавҳумлик бозордаги муҳитни ўзгартираётгани бўйича фикрлар ҳам йўқ эмас.

«Қанотли» такси

Хитойдаги энг йирик технологик компаниялардан бири «Tencent» Германиянинг учувчи таксини ишлаб чиқишни назарда tutувчи янги лойиҳаси «Lilium» учун 90 млн. АҚШ доллари миқдордаги сармоя киритиш ниятида.



«Lilium» электродвигатель ёрдамида учувчи ҳамда вертолёт сингари вертикал тарзда ҳаракатланувчи беш ўриндикли аппарат яратмоқда. Ускунанинг силжимас қанотлари самолёт сингари горизонтал жойлашган. У 300 километргача узоқликка уча олади ва соатига 300 километргача тезликда ҳаракатлана олади.

Сармоя киритган компаниялар орасида «Tencent»дан ташқари Лихтен-

штейн қироллик оиласига тегишли «LGT» инвестициявий жамғармаси ва «Twitter» ташкилотчиларидан бири Эван Уильямсга тегишли «Obvious Ventures» компанияси ҳам мавжуд.

«Lilium» лойиҳасига 2015 йилда асос солинган бўлиб, унинг асосчилари ўзлари яратган учувчи аппаратларни 2019 йилда синов тариқасида ишга тушириш, 2020 йилда эса уни амалиётга бутунлай жорий этиш ниятида.

Жаҳон иқтисодиёти глобал инқироздан сўнг муваффақиятли тикланишда давом этмоқда

«The Wall Street Journal»да ёзилишича, 2017 йил якунига кўра жаҳоннинг 45 та йирик мамлакатидagi ЯИМ ҳажми кейинги ўн йилдан сўнг илк марта ўсиши кутилмоқда. Халқаро валюта фонди берган баҳога кўра, жаҳон ЯИМ ҳажми 2017 йилда 3,5 фоиз ва 2018 йилда 3,6 фоиз ортиши мумкин.

Шундай қилиб, жаҳон иқтисодиёти глобал инқироздан сўнг мамлакатларда жорий этилган рағбатлантирувчи дастурлар ва паст фоиз ставкали лойиҳалар натижасида яхши томонга ўзгарган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мутахассислари башорат қилишича, мазкур 45 мамлакатнинг 33 тасида иқтисодий

ўсиш суръати 2016 йилга нисбатан мустаҳкамланади. Сўнги 50 йил орасида ИХТТ кузатувидаги барча давлатларда синхрон ўсиш юз берган. Ўтган ўн йилликнинг ўртасида, шунингдек, 1973 йилда ва ўтган асрнинг 80-йиллари охиридаги бир неча йиллик нефть инқироzi давридаги кўрсаткичлар бундан мустасно.

АҚШ давлат қарзи илк бор 20 трлн. доллардан ошиб кетди

Жорий йил март ойи ўрталарида ушбу қарздорлик 19,84 трлн. долларлик даражада музлатиб қўйилган эди.

АҚШ давлат қарзи илк бор 20 трлн. долларлик кўрсаткичдан ошиб кетди, дея хабар қилди РИА Новости «Business Insider»га таянган ҳолда.

Хабарда айтилишича, жорий йил март ойи ўрталарида ушбу қарздорлик 19,84 трлн. долларлик даражада музлатиб қўйилган эди.

Ўтган ҳафтада президент Дональд Трамп унинг вақтинчалик оширилиши тўғрисида қонунни имзолаган эди.

АҚШ давлат қарзи ҳисобини кўрсатувчи ҳисоблагичлар кўплаб давлат сайтларида жойлаштирилган бўлиб, қарздорлик ҳолатини онлайн тарзда кўриш мумкин.


Бугунги кунда қарздорлик 20,164 трлн. долларни ташкил қилди ва кўпайишда давом этмоқда.

Эйфель минораси атрофида туристлар хавфсизлиги таъминланди

Парижда 18 сентябрь куни Эйфель минораси атрофида шаффоф ўқ ўтмас девор қурилиши бошланди. Бу ҳақда «ТАСС» хабар бермоқда.

Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушида зарарсиз турган машҳур минорани энди террорчилардан қўриқлаш учун шундай чоралар кўришга тўғри келмоқда, дейилади хабарномада.

Икки қаватли, уч метрли деворлар минорани Сена соҳилбўйидан ажратиб турадиган бўлди. Зирҳланган шиша қалинлиги 5 сантиметр бўлиб, у армия ўқларига дош бера олади, шунингдек, террорчилик ҳужуми уюштирилган тақдирда пўлат осколкаларни тутиб қолади.



Нефть юанда ҳам сотилади

Хитой юанда сотиладиган ва олтинга айирбошланиши мумкин бўлган нефть фьючерсини ишга туширишга тайёргарлик кўрмоқда. Мутахассислар фикрига кўра, бу нефть бозоридаги ўйин қоидаси тубдан ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Бойси хомашёни экспорт қилувчилар доллардан фойдаланмасдан туриб битим тузишга муваффақ бўлиши мумкин.

Хитой дунё бўйича нефть импорти билан шуғулланувчи йирик мамлакатлардан бири эканлиги инobatга олинса, мазкур янгилик трейдерлар учун мисли кўрилмаган ўзгаришларни ваъда қилмоқда. Сабаби бундан буён уларнинг шартномалари Осиёнинг ўзида ишлай бошлайди.

Бугунги кунда жаҳон нефть бозорида нефть хомашёси икки муҳим шартнома асосида сотилмоқда: улар WTI ва Brent бўлиб, ҳар иккаласи ҳам АҚШ долларларида ҳисобланади. Юанда савдо ўтказиладиган нефть фьючерсининг ташкил этилиши экспортёрларга АҚШ долларидан фойдаланмаслик

имконини беради. Бундан ташқари, Гонконг ва Шанхай биржаларида юанни олтинга айирбошлаш имконияти туғилади. Бу эса Осиёда савдо ишларини юритишни рағбатлантиради.

Хитойнинг «Shanghai International Energy Exchange» биржаси июнь ва июль ойларида истиқболли иштирокчиларни ўргатиш учун синовли савдонини ўтказиш бўйича тайёргарлик ишларини амалга оширди. Бу билан Хитойда хорижий компаниялар, инвестициявий жамғармалар, савдо уйлари ва нефть компаниялари учун очиқ бўлган илк мажбулотли фьючерс шартномаси тузилишига эришилди.

Марказий банк фаолияти «очиқлиги индекси» рейтингда етакчилар қаторида

Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш фаолияти мониторингини олиб бориш ва мувофиқлаштириш бўйича жамоатчилик кенгаши сайти – ochiqlik.uz йўлга қўйилган.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини баҳолаш Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуни асосида амалга оширилмоқда.

Этиборлиси шундаки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти «очиқлиги индекси»нинг 2017 йил 1 июль ҳолатига кўра эълон қилинган рейтингда энг юқори балл

тўплаган вазирлик ва идоралар қаторида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳам эътироф этилган. Хусусан, рейтингда энг юқори балл тўплаган давлат идораларининг биринчи ўчилигини Давлат солиқ кўмитаси (96 балл), Марказий банк (95 балл) ва Адлия вазирлиги (95 балл) эгаллади.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, рейтинг натижаларига кўра, 52 та давлат ташкилотидан 33 таси қаноатлантирувчи баллдан юқори курсаткич, яъни 75 баллдан юқори натижани кўрсатишган. Вилоят ва шаҳар ҳокимликлари бўйхатида Тошкент шаҳар ҳокимлиги 91 балл билан (7-ўрин) етакчилик қилмоқда. Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Андижон ва Фарғона вилояти ҳокимликлари ва яна бир қатор давлат идоралари қонқарлилик курсаткичига эриша олишмаган.

Бухоронинг сайёҳлик салоҳияти Малайзияда намойиш этилди

Бухоро вилояти ҳокимининг туризм ишлари бўйича ўринбосари Ботир Шахриёров бошчилигидаги туристик ташкилотлар ва хунарманд усталардан иборат делегация Куала Лумпур шаҳрига ташриф буюрди.



Маълумки, Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида туризм соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш, юртимизга Малайзиядан ташриф буюрувчи сайёҳлар сонини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раҳбарияти Малайзия маданият ва туризм вазирлиги, хусусий сайёҳлик компаниялари уюшмалари билан қатор учрашувлар ўтказган эди.

Б.Шахриёров Малайзиянинг сайёҳлик агентликлари ва компаниялари ассоциацияси (MATTA) ви-

це-президенти М.Акил билан учрашди. Икки томонлама музокаралар самараси ўлароқ, 8-10 сентябрь кунлари Куала Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган Жануби-Шарқий Осиёдаги етакчи сайёҳлик кўргазмалари қаторига кирган «MATTA FAIR-2017» Халқаро туристик ярмаркасида Бухоронинг туристик ташкилотлари ва хунарманд усталари ўз хизматлари ҳамда маҳсулотлари билан фаол иштирок этди.

Бухоронинг етакчи «Authentic Travel», «Silk road Voyages», «Classic tour», «East line tour», «Ark Travel» сайёҳлик ком-

паниялари вилоятнинг туризм стендида Малайзиянинг етакчи сайёҳлик компаниялари, меҳмонхоналари ва бевосита юртимизга ташриф буюришни истаган кўргазма меҳмонлари билан учрашиб, мавжуд туризм имкониятлари ва инфратузилмаси, янги туристик йўналишлар хусусида батафсил маълумотлар бердилар. Шунингдек, дунёнинг етакчи туристик ташкилотлари билан музокаралар олиб бориб, вилоят туризм ва иқтисодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш учун манфаатли шартномалар имзоландилар.

Материалларни Жасур МИРЗАЕВ тайёрлади

Икки банк ўртасида дўстона руҳда ўтган спартакиада

Пойтахтимиздаги Олий ўқув юртлири спорт мажмуасида «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки ва «Orient Finans Bank» хусусий акциядорлик тижорат банки ходимлари ўртасида «Спартакиада – 2017» спорт мусобақалари ўтказилди.

Мазкур спорт байрами «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Трастбанк» ХАБ ташаббуси билан ташкил этилди.

Мусобақанинг очилиш маросимида жамоалар саф тортгач, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси садоси остида мамлакатимиз байроғини оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Руслан Нуриддинов баланд ҳавозага кўтарди. Спартакиаданинг фахрий меҳмони – Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси бош котиби Ойбек Қосимов ҳаваскор спортчиларга зафарлар тилаб, мусобақаларни очиқ деб эълон қилди.

Спорт байрамида «Трастбанк» ва «Orient Finans Bank» жамоаларидан вакиллар спортнинг 5 та тури: баскетбол, аёллар ва эркеклар волейболи, эркеклар мини-футболи, стол тенниси ва шахмат бўйича ўзаро куч синашдилар. Мурасасиз ва қизгин, лекин ўзаро ҳурмат руҳида ўтган спорт ўйинлари якунига кўра, эркеклар ўртасида ўтказилган баскетбол мусобақасида, аёллар ва эркеклар ўртасида ўтказилган волейбол ўйинларида ҳамда стол теннисида «Orient Finans Bank» жамоаси вакиллари голибликни қўлга киритган бўлса, спортнинг шахмат турида ва мини-футболда «Трастбанк» жамоаси муваффақият қозонди.

Таъкидлаш ўринлики, мурасасиз ва дўстона

руҳда ўтган қизиқарли мусобақалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Ёшлар ўзларида бор маҳорат ва иродани, чидам, қаққонлиқни ва, албатта, галаба сари бўлган шижоатни тўла намойиш эта олдилар.

Ташкилотчиларнинг дил изҳорида, суҳбатларида мазкур спорт байрамида дўстлик туйғуси галаба қозонгани бирдек эътироф этилди.

– Оммавий спорт мусобақасининг ташкил этилиши замирида, – дейди «Трастбанк» ХАБ бошқаруви раиси Сардор Нормухамедов, – банк ходимлари ўртасида соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш, банк мутахассислари, уларнинг оила аъзоларини спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш ва, энг муҳими, банк бўлинмалари ходимлари ўртасида ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш ғояси мужассам. Чунки спорт ҳамisha инсонга голиблик ҳиссини, бир оиладек яхлит жамоа бўлиш туйғусини синдиришга хизмат қилган. Банкимиз ходимлар учун бундан кейин ҳам ана шундай спорт мусобақалари ҳар йили ўтказилишини анъанага айлантиришни мақсад қилган.

Беғубор, мовий осмон, ниҳоятда бежирим, замонавий жиҳозланган спорт майдончалари, банкларнинг рамзи туширилган байроқчалар кўп сонли спорт ихлосмандларида байрамона туйғулар уйғотди.

Бекзод АКРОМОВ.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

А.Н. НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

З.М. ЭРНАЗАРОВА

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЕРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Газета таҳририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КўМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАО

ТАҲРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шахрисабз кўчаси, 23-уй.

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун

232-45-32 телефони

орқали мурожаат қилинг.

Факс: 232-43-98.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кuni чиқади.

Буюртма № 1150.

Адади 4753 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмида, 3 шартли босма табоқда

чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 20.09.2017 й., 9.00.